## Кўнгил иморати

... умуман қадам боса олмайдиган бир болакаййимиз соғлом болаларга қўшилиб атак-чечак қилиб юриб кетганини кўрганингиздами? Ёки, гапира олмайдиган яна биттасининг бир-иккита сўз айта бошлаганини-чи?! Бизга бундан ортиқ бахт борми?..

9 бет

## «Лангар гранит» атрофидаги ўйинлар

...ҳақиқий қиймати 52,5 АҚШ долларини ташкил этган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, маънавий ва моддий эскирган КС-4574А-русумли 2 дона автокранни 95 минг АҚШ долларидан, жами 190 минг АҚШ доллари ҳисобида Ўзбекистон Республикасига олиб киришга эришганлар.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 7-may, № 19 (644)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

# САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 4 май куни Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларининг раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш бўйича 6 ойлик курслари битирувчиларига тантанали равишда диплом топшириш тадбири бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура раҳбарияти, бошқарма, бўлим бошлиқлари, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг тармоқ раҳбарлари, Олий ўқув курсларининг профессор ўқитувчилари ва Олий ўқув курслари раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курси битирувчилари иштирок этдилар.

Тадбирда Бош прокурор Р.Қодиров маъруза қилиб, мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганлиги, шу билан бирга бугунги кунда прокуратура органлари олдига янада масъулиятли вазифалар қўйилаётганлиги, ушбу вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш эса кадрларнинг малакасига ва масъулиятни қанчалик ҳис эта билишига боғлиқлигини таъкидлаб ўтди.

Шуларни инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан прокуратура органларида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш мақсадида «Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш Маркази» негизида Бош прокуратуранинг «Олий ўқув курслари»ни ташкил этиш тўғрисида Қарор қабул қилинганлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Бош прокурор Олий ўқув курсларининг тингловчиларини мазкур қарор асосида танлов йўли билан ўқишга қабул қилинганликлари ва курсни муваффақиятли тамомлаганликлари билан самимий табриклаб, бу уларга билдирилган ишонч билан бирга ўта масъулият юклашини ҳам қайд этди ва бу ишончни оқлаш учун олдингидан ҳам яхши ишлаш, шунга муносиб бўлиш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Шу каби, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, мамлакатимизда уни бартараф этиш борасида прокуратура органлари алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Булардан ташқари, Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифаларини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган кенг қамровли чора-тадбирлар Дастури ижроси, Вояга етмаганлар ишлари ва Одам савдосига қарши курашиш бўйича комиссиялар фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва бу борадаги ишларни жадаллаштириш кераклиги хусусида қатъий талаблар қўйилди.

Шунингдек, тадбирда 1 май куни журналистика соҳасида «Олтин қалам» 4-Миллий мукофоти учун халқаро танлов бўлиб ўтганлиги ва бу танловда Бош прокуратуранинг қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи — матбуот хизмати раҳбари Светлана Артикова ҳам «Энг яхши матбуот хизмати» номинацияси бўйича иштирок этиб, ғолиб деб топилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда бу борадаги ишларни янада кучайтириш хусусида тегишли кўрсатмалар берилди.

Тадбирда сўзга чиққан тингловчилар уларнинг малакасини оширишга шундай шароит яратиб берган давлатимиз раҳбарига, ҳукуматимизга миннатдорчилик билдириб, Олий ўқув курсларида олган назарий билимларини фаолиятда қўллашга, ўзларига билдирилган ишончни оқлашга, шунга муносиб бўлишга сўз бердилар.

*9 май — Хотира ва қадрлаш куни*

***Хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Нуронийларга чуқур ҳурмат-эҳтиром фазилатлари хотира ва қадрлаш тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Мустақил юртимизда ёш авлод улуғларимизга ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик руҳида тарбияланмоқда. Зеро, меҳр-муҳаббатга, саховат ва шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини унутмайди, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари,***
***ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.***



# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ АЗИЗ

Бундан ўн йил муқаддам, яъни 1999 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинган эди. Шундан буён юртимизда бу кун умумхалқ байрами сифатида ҳар йили кенг нишонланиб келинаётир.

Бу йилги Хотира ва қадрлаш куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони эълон қилиниб, уруш қатнашчилари ва ногиронларига 120 000 сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгиланганлиги мамлакатимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган иззат-икром ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Агар миллат ўзининг порлоқ келажагини қурмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлмоғи лозим. Хотира - азиз туйғу. Миллатнинг тириклиги, барҳаётлиги ва ҳатто келажаги ҳам ўз ўтмишига доир хотиранинг уйғоқлигига боғлиқ. Хотирасидан, қадриятидан, урф-одатларидан жудо қилинган халқ, миллат, шубҳасиз таназзулга юз тутади.

Инсон хотирасини ардоқлаш, тирикларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйишга алоҳида эътибор қаратилиши миллий истиқлол ғоясининг, маънавий тарбия ишининг ўзагини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).

# ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ

Дунёқарашлари, феълу атворлари шаклланадиган ўспиринлик даврида фарзандларимизни ниҳол каби асраб-авайлаб тарбиялаш, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни ҳавола этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Вилоят прокуратураси органлари ҳокимлик қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорликда болаларга, шу жумладан, тарбияси оғир ўсмирларга мукаммал таълим-тарбия бериш, касбга йўналтириш, бўш вақтларини фойдали, қизиқарли машғулотлар билан банд этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали иш юритишяпти.

Андижон туманидаги қаровсиз қолган Нодирабегим номли Маданият ва истироҳат боғи вилоят вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг ташаббуси билан Халқ таълими бошқармаси тасарруфига ўтказилган эди. Қурилиш ва таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етиб, Андижонсой ва сунъий кўл соҳилида жойлашган боғда азим фаввора, қайиқ ва катамаранлар бекати барпо этилди.

11 апрелда Ёшлар боғининг тантанали очилиш маросимида «Ёшлигим баҳори» фестивали ўтказилди. Ўқувчи-ёшларнинг ижодий ишлари, гуллар ва қушлар кўргазмалари тенгдошларини ром этди. Фестивалга ташриф буюрган ҳавасманд талабалар боғ қошида ташкил этилган спортнинг енгил атлетика, байдарка ва каноэда сузиш, шунингдек, «Биоэкосан» марказининг тўгаракларига аъзо бўлишди.

Энг моҳир ижрочилар мусиқа ва саноат коллежларининг талабалари ўртасида ўтказилаётган «Болалигим баҳори» фестивалининг вилоят босқичига йўлланмаларни қўлга киритишди. «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзусидаги асфальтга расм чизиш ва плакатлар кўрик-танловларининг ғолиблари саралаб олинди. Республика кўрик-танловларида муносиб қатнашиб келаётган Булоқбоши туманидаги 16-мактабнинг 9-синф ўқувчиси И.Шарофиддиновнинг шу ернинг ўзида чизган одам савдосини қораловчи расми мазмунли ва таъсирчан чиқди. Шунингдек, ўқувчи-ёшлар стол теннисnúmer, шахмат ва шашка, миллий спорт беллашувларида куч синашдилар. Ғолиблар вилоят биринчилигида иштирок этишади.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф.Акбарова иштирок этган фестивал 3000 дан зиёд талаба ёшлар, ўқитувчи ва ота-оналарда унутилмас таассурот қолдирди.

14 апрель куни эса Улуғнор туманининг Мингбулоқ қишлоғидаги агросаноат касб-ҳунар коллежида битирувчилар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси билан бирга 9-синф ўқувчилари учун «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Тумандаги барча мактабларнинг 9-синф битирувчилари коллежда муҳайё этилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Япония кредити ҳисобидан жиҳозланган фан кабинетлари, ўқув устахонасидаги экскаваторлар, тупроқнинг биологик таркибини аниқловчи жиҳозлар билан танишиб, таълим жараёни ҳақида муайян тасаввурга эга бўлдилар. Бекаму кўст жиҳозланган кабинетлар ва устахоналар, спорт зали, коллеж талабалари намойиш этган «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви кўпчилик болаларда ушбу билим масканида ўқишни давом эттириш иштиёқини уйғотди.

Юқоридаги каби 116 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида 404 маротаба ўтказилган очиқ эшиклар кунларига 30 минг нафардан зиёд ўқувчилар ва ота-оналар ташриф буюришди. 9-синф битирувчилари таълим даргоҳларида яратилган шарт-шароитлар билан танишибгина қолмай, 16 соатлик ўқув-амалий машғулотларда бевосита иштирок этдилар. Касблар фестиваллари доирасида ўқувчилар ўзларига мақбул йўналишларни танлаб олишлари учун давра суҳбатлари, экскурсиялар, кўргазмалар ташкил қилинди. 120 марта иншо танловлари ўтказилди.

Коллеж битирувчиларини ўзларига мақбул ишга жойлаштириш, 9-синф битирувчилари танлаган йўналишларида ўқишни давом эттиришларини таъминлаш, шу билан бирга ўсмирлар, айниқса, тарбияси оғир вояга етмаганларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини спорт ва бошқа турли тўгараклардаги қизиқарли машғулотлар билан банд этиш борасидаги тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Вилоятимизда жорий йилнинг уч ойи мобайнида ўтган йил шу даврига нисбатан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик 7 фоизга камайди. Касблар фестиваллари доирасидаги тадбирларда, бевосита иш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва таълим-тарбия муассасаларининг ходимлари ҳамкорликдаги ишнинг янада таъсирчан услуб ва шаклларини қўллаш борасида тажриба орттиришмоқда.

**Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки ўтмиш аждодлар билан фахрланиш, уларнинг ҳаёти ва қолдирган меросини ўрганиш, тажрибасини бугунги ҳаётимизга татбиқ этишдан ҳам муҳим вазифа йўқ. Хотира ва қадр туйғулари ёш авлод онгига чуқур сингсагина, улар қалбида буюк аждодларимизга муносиб ворислар бўлиб етишиш истаги уйғонсагина, жамият тараққиёт сари юз буради.

Агар биз ўтмиш аждодларнинг хотирасини эъзозласак, Ватан, миллат манфаатлари йўлида жон фидо қилган ватандошларимизни унутмасак, мангуликка дахлдор ишларини ривожлантирсак, биздан кейинги авлодлар ҳам бу ишни айнан шундай давом эттиради.

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ АЗИЗ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки бундай эзгу амаллар навқирон авлод вакилларининг кўз ўнгида ўтказилади, аксарият тадбирларда улар фаол иштирок этадилар. Қолаверса, бу каби йиғинларда давраларимизнинг тўрини тўлдириб ўтирадиган кекса авлод вакиллари суронли йиллар ҳақидаги хотираларидан ёшларга сўзлаб, улар билан суҳбат қурсалар, ҳеч бир йигит-қиз бепарво бўлмайди.

Бу гаплар шунчаки айтилмаётганини, тинчлик энг бебаҳо неъмат эканлигини чуқурроқ англаб етади.

Ҳозир ҳам жаҳоннинг айрим минтақаларида нияти бузуқ кучлар қуролли можаролар чиқаришга, тинч ва осуда ҳаёт маромини бузишга, қуролли тўқнашувлардан моддий манфаат кўришга интилаётганини унутмаслигимиз керак. Экстремистик ғояларга қарши кураш олиб бориш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бунда, аввало, уруш ва унинг битмас жароҳатлари тўғрисидаги бор ҳақиқатни ёшлар онгига чуқур сингдириб бориш, уларни инсонпарварлик, ватанпарварлик каби юксак ғоялар руҳида тарбиялаш катта аҳамият касб этади.

Хотира ва қадрлаш куни Иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида шаҳид кетганлар, шунингдек, юртимизнинг гуллаб-яшнашига ўзининг ҳиссасини қўшган инсонлар хотираси ёдга олинадиган, фахрийларимиз иззат-икром қилиниб, одамлар бир-бирларига чуқур ҳурмат ва меҳр-оқибат кўрсатадиган муборак санадир.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 64 йил бўлди. Лекин қонли урушнинг инсонлар юрагида қолдирган жароҳатлари ҳамон битган эмас. Вилоятимиздан урушга кетган 45732 нафар йигитнинг 24716 нафари ўз она юртига қайтмаган. Ватан озодлиги ва ёруғ кунлар келиши учун курашган, жонини фидо қилган халқнинг асл фарзандлари номи ҳеч қачон унутилмайди. Уларнинг номлари вилоятимиз маркази - Қарши шаҳрининг Хотира хиёбонидаги «Хотира китоби»га зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Жангтоҳларда қон кечиб, уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган юртдошларимиз сони вақт ўтгани сайин тобора камайиб бормоқда. Уларнинг ҳар бирига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, хотираларини ёзиб олиш, маиший эҳтиёжларига эътиборли бўлиш жуда муҳимдир. Бу олижаноб иш ҳар биримиз учун кундалик инсоний бурчимизга айланиши лозим.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоятимизда ҳам урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган «Мотамсаро она» ҳайкали ва бошқа ёдгорликлар, шунинг баробарида узоқ ўтмишда ўтган аждодларимиз ётган қабристонлар ҳам тартибга келтирилиб, ободонлаштирилди.

«Хотира ҳақида гапирар эканмиз, бу тушунчани қадрлаш тушунчасидан ажратиб бўлмайди, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов ўтган йил 9 майда пойтахтимиздаги Хотира майдонида ўтказилган маросимда сўзлаган нутқида. — Ҳақиқатан ҳам, бу ёруғ кунларга нима ҳисобидан эришганимизни, бу йўлда қандай оғир курашлар, азоб-уқубат ва йўқотишлар бўлганини, қанчадан-қанча одамлар уруш майдонларида азиз жонини қурбон қилганини англамасак, тушунмасак, бугунги кунимизни, мусаффо осмонимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни англаш, унинг қадрига етиш қийин бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда орамизда, сафимизда соғ-саломат, бардам яшаётган, бугунги ҳаётимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам ва азиз фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга ҳар томонлама ҳурматимизни билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз».

Барча соҳаларда бўлгани каби прокуратура тизимида ҳам ўзининг эзгу амаллари билан эл орасида яхши ном қозонган инсонлар кўп. Уларнинг айримлари ҳозир орамизда йўқ. Бугунги қутлуғ санада, яъни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ана шундай ҳамкасбларимизни хотирлаб, руҳларини шод этиш, орамиздаги кекса авлод вакилларининг ҳурматини жойига қўйиб, иззат-икром ила хизматларини қадрлаш инсоний бурчимиз ҳисобланади. Нарзулла Лутфуллаев, Остон Турсунов, Саидмамат Саидов, Холбобо Хуррамов, Зоя Насретинова, Ғайбулла Шаропов, Искандар Жумаев, Рашид ва Зокир Пардаев, Сирожиддин Рўзиқулов, Абдуҳамид Абдуллаев, Жуманазар Умиров, Абсамат Дўсияров, Шуҳрат Алмуратовлар шундай инсонлар эдилар. Шафқатсиз ўлим уларни орамиздан олиб кетган бўлса-да, лекин азиз номлари, қилган ишлари сира ёдимиздан чиқмайди. Ўтганларнинг порлоқ хотираси доимо қалбимизда сақланади.

Ҳар қандай халқ, ҳар бир миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаётдир. Ўтганларни хотирлаб, муътабар кексаларимизнинг дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйғуларини ҳис этиш кишига куч-қувват бағишлайди, инсон руҳини поклаб, янгидан-янги бунёдкорликлар сари чорлайди. Мана шунинг учун ҳам, айниқса, ёшларимизни улуғ аждодларимизнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш ғоят муҳимдир.

**Мурод АЗИМОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари**

# Асил инсон мангу яшайди

*Хотира: ҳар баҳорда титрайди юрак,*
*Юракларга қанот берсин.*
*Қадрият: ҳар юракда гуллайди меҳр,*
*Мевасини авлодлар терсин*

Ёши ўтиб сочларига оқ оралаганда, дунё ҳақида ўйлаб тўхтамга келолмаганингда бу жумлалар талқинини янада чуқурроқ мушоҳада қиларкансан киши. Мутолаа фикрни ёрқинлаштиради: «Қишнинг поёнидан баҳор топилгунча соғинчларинг дийдирağ бўлади. Саратон тандирида куз етилгунча жисму жонинг ҳароратдан толади. Ҳайриятки, куз ҳар гал қайтади, баҳор қайтади. Аммо умр чексиз йўқотишлардан, йўқотиш бўлганда ҳам мутлоқ қайтмас йўқотишлардан иборат. Қарангки, бу оғриқли айриликлар ажиб бир тароват ҳам келтиради. Яъни қўлингиздаги бор неъматларни қадрлайдиган, асраб-авайлайдиган бўлиб қоласиз. Кўнглингизга шукрона тушади ва бу шукрона ақлингизга, ўтаётган кунингизга тўликлик бахш этади».

Мана, соғинчли хотираларни уйғотиб элга баҳор ташриф буюрди. Табиат ҳам фусункор ҳуснини тинч-тотув, файзли хонадонларда ўзгача тароват билан кўз-кўз қилади гўё...

Табиат бу борада Норовлар хонадонини сийлагани рост. Чунки, бу боғнинг боғбони асил одам. Бу ўғил-қизларнинг отаси, бобоси чин инсон, буюк қалб эгаси бўлган, дейишади. Умрбоқийликка дахлдор ажиб манзара. Ота қадами теккан муқаддас маскан, падари бузрукквор меҳридан кўкка бўй чўзган дарахтлар, болаликнинг ўчмас хотиралари из қолдирган қадрдон ҳовли... Ҳар бир узви кўнгилга яқин, такрорланмас тафтни туйиб туриш ҳам бахт.

Инсон яхши ном билан ёдга олиниши у тарбиялаган, вояга етказган фарзандлари, амалга оширган эзгу ишларида намоён бўлади. Имом Норов ана шундай ҳар жиҳатдан ибратли умр кечириб, эл ардоғига сазовор бўлган инсон эди.

Имом Норов бу мавқе, ҳурмат-эътиборга ҳалол меҳнат туфайли эришди. — Оғир болалик кечинмалари, жанг майдони, тупроққа қоришган дўстларининг қонли жасадлари олдидаги изтироблари ни отам умрларининг охирларигача бир зум ҳам унутмадилар, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходими Ботир ака Норов оталарини хотирлаб. — Отам билан аксарият суҳбатларимиз адолат, ҳақиқат, ҳалол меҳнат ҳақида бўларди. «Яратганга ёқишнинг энг яқин йўли ўзгаларга яхшилик илинавериш дир», дердилар.

— Имом Қодировичдек мард инсонлар юз йилда бир дунёга келса керак, — суҳбатимизга қўшилади 83 ёшли Республика прокуратураси фахрийси Салим Ҳамроев. — У адолат, ҳақиқат йўлида қийинчиликлардан қўрқмасди. Яшаш бу кураш деб биларди. Жўмард, иродаси олдида тоғ эгилса арзийди. Ўғли Баҳодиржонни тупроққа қўйиб, фарзанд доғига рўбарў келганда ҳам шундай оғир ғамга матонат билан тик боқа олди. Имом Қодирович қонунчиликни мустаҳкамлашда улкан, мустаҳкам қояга ўхшарди.

Бу каби ўхшатиш ва ташбеҳларни И.Норовнинг ҳар бир шогирдидан эшитишимиз мумкин.

«Устознинг тафаккур уфқи кўзгудек эди», «Оддийлик фалсафасидан буюклик ярата олган инсон».

Ўғиллари Ботир Норов Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходими, Владимир Норов Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири. И.Норов тарбиялаган фарзандлар, неваралар Ватан корига яраган, халқ ташвишига шерик. Аллоҳ суюкли бандаларига солиҳ амалли зурриёд, мангу қадр топиш саодатини инъом этаркан, дейишади кексалар. Имом Норов ана шундай инсон эди.

Қадрдон ота ҳовлиси гавжум. Кечагина тўй бўлган хонадонда бугун неваралар, фарзандлар отани хотирлашади. Имом Норов яратган боғ, у кишидан қолган қутлуғ излар ҳар баҳор гуллаб яшнайди, ўз тароватидан элни баҳраманд этади.

**Моҳира ШАКАРОВА,**
**журналист**



# МАНГУ

***Шукур ота дуога қўл очди.***

***— Мана шундай доруломон кунларда кўришиш насиб этсин!***

***Афтидан мен тенги невараси унинг қўлтиғига кирди. Ташқаридаги «Нексия» машинасига ўтказди.***

***Мўйсафид билан «Чимён» санаторийсининг тўрт қаватли кўркам биносида, биринчи қаватдаги еттинчи хонада салкам бир ҳафта бирга бўлдик. Шу бир ҳафта мобайнида ота-боладек қадрдон бўлиб қолдик.***

***Танишганимизнинг иккинчи куни кечқурун телевизорда уруш ҳақида кино бошланганида отахон «ўчиринг», деди эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.***

***— Уйдирма бари...***

***— Ҳаққоний ишланган фильмлар ҳам бор.***

***— Бўлса бордир, — деди у муросасозлик билан. — Уруш жаҳаннам, мен ўша жаҳаннамга кириб чиққанман. Бир ўлиб, қайта тирилганман.***

***Аввалига Шукур ота саволларимга истар-истамас, узуқ-юлуқ жавоб қайтарди. Холи-жонига қўймаганимдан кейин бошидан кечирганларини сўзлаб берди.***

— Ҳовлимиз шаҳарнинг чеккасида, экинзорларимизга туташ эди. Раҳматли дадам «қулоқ қилиб юборарkan» деб, ўзининг ерларини қариндош-уруғларига, қўни-қўшниларга тақсимлаб бериб, оиламизни бадарға қилинишидан қутқариб қолган. Бироқ, барибир қамалди. Бир йилча ўтиб, отиб ташлашганидан хабар топдик. Онам бечора ётиб қолди. Дарду ситамга бардоши етмай узилди. Ўн етти ёшимда укам ва синглим билан ҳайҳотдек ҳовлида ёлғизланиб қолдик. Ҳовлангги боғ, отам эккан дарахтларнинг меваси жонимизга оро кирди. Иккинчи жаҳон уруши арафаси, баҳорнинг охири, ёзнинг бошларида, йигирма бир ёшимда маҳалламиздаги ўн етти киши билан Холисхонга уйландим. Уруш туфайли қаҳатчилик ҳукм сурар, деҳқончилик қилиб учма-уч кун кўрардик. Қизим Холидахон туғилганига бир ой тўлиб-тўлмай мени ҳарбий комиссариатга чақиришди. Шаҳар четидаги даштда тўрт ойча ҳарбий машқлар ўтказишди. Минг тўққиз юз қирқ иккинчи йилнинг кузи охирида ҳарбий қисми-

Ҳаёт бетакрорлиги билан гўзал. Агар инсонлар туриш-турмуши ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилиб қарайдиган бўлсак, ўтаётган кунларимиз гўё бир тарих-қайтиб келмайди. Тўғрироғи, ундан ҳар ким, ҳар хил фойдаланади. Лекин шундай инсонлар борки, ўз она юрти, халқи учун бутун умрини, ҳаётини бахшида қилади. Одамларга нафим тегса дейди.

Халқимизда: «Мард йигит Ватани учун туғилади», деган гап бор. Бу гап бутун билими, ғайратини эл-юрти учун бағишлаган ҳалол, камтарин инсон бир неча орден, медаллар соҳиби, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фахрий ходими, марҳум Салават оға Ўразов ҳақида айтилгандек.

Салават Ўразов 1938 йил 19 ноябрда Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида зиёли оиласида дунёга келди. Отаси Қутлимурат оға, онаси Мақбая ая Салаватдаги зеҳнни пайқаб, унинг келажакда маълумотли яхши инсон бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришди. Салават 1957-1960 йиллари Нукус гидромелиорация техникумида ўқиб, бироз вақт Нукус таъмирлаш заводида слесарь бўлиб ишлади. Кейин Ленинград Давлат университетида таҳсил олди. 1961-1963 йиллари Нукус шаҳридаги Ломоносов номли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади.

С.Ўразовнинг прокуратура органларидаги фаолияти 1969 йилдан Нукус шаҳар прокурори ёрдамчилигидан бошланган. 1969-1971 йиллари Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчиси (1970 йил Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тугатди) бўлди.

С.Ўразов қаерда ишласа ҳам қонунчиликни яхши тушуниши, одамлар билан тил топиб кетиш қобилиятига эгалиги, халқпарварлиги билан раҳбарият назарига тушди. Шундан бўлса керак, у 1971-1976 йиллари Қонликўл (аввалги Ленинобод) туманида прокурор, 1982-1983 йиллари Қорақалпоғистон Республикаси Олий Судининг раиси, 1983-1986 йиллари Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимларида хизмат қилди.

# Қалби қуёш, ўзи пок инсон эди...

«Инсон умри йиллар билан ўлчанади, қилган ишлари билан баҳоланади» деб бекор айтишмаган. Шу маънода С.Ўразовнинг ҳаёт йўли кўпчилик учун ибрат мактабидир.

Биз журналистлар касбимиз тақозосига кўра, у киши билан учрашиб турардик. Салават оғадаги вазминлик, ширинсуханлик бизни қайта ва қайта ҳамсуҳбат бўлишга чорларди. Ўшанда у киши бизга: «Ҳали менинг сиз, журналистларга айтиб берадиган гапларим кўп» дерди.

2002 йил 28 октябрь куни Салават Ўразовнинг вафот этганлигини эшитганимизда кўнгилга яқин бир одамимиздан айрилганимизни англадик. Маракага келган одамлар кўчага сиғмасди.

— Инсоннинг яхши ишлари у оламдан ўтгандан кейин ҳам фарзандлари, шогирдлари қалбида мангу яшайди. С.Ўразов мазмунли ҳаёт кечирди. У ўз билим ва тажрибаларини ёшларга беришдан чарчаган эмас. Ишга эрта келиб, кеч қайтарди. Сабаби, у ўз касбини чин дилдан севар ва бу билан ғурурланар эди. Унинг яна бир фазилати шунда эдики, катта билан катта, кичик билан кичик бўлиб, барча билан сизлашиб мулоқотда бўларди, — дейди шогирди, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Музаффар Қурбонбоев. — Биз шундай инсон билан ҳамкасб бўлганимиздан фахрланамиз.

Ҳа, С.Ўразовнинг шогирдлари кўп. Улардан яна бири Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси фахрийси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Гулнора Бобожонова. У устозини шундай хотирлайди.

— Мен Салават оғани 1972 йилнинг сентябрь ойидан, прокуратурага ишга келган вақтимдан бошлаб танийман. У жуда камтар, меҳрибон, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, ҳаммага бирдай муомалада бўладиган инсон эди... У жуда маданиятли, ўз соҳасининг моҳир мутахассиси, қонунларни ҳурмат қиладиган ва бошқаларни ҳам шунга ундайдиган устоз эди. Мен ана шундай инсонлардан таълим олиб, билмаганларимни ўрганиб, бирга ишлаганимдан бахтлиман. Унинг ёрқин хотираси олдида бош эгаман. Салават Ўразов бугун орамизда йўқ. Лекин, унинг умр йўли, ҳалол меҳнати бугунги ёшларга намуна бўлиб қолиши аниқ.

Салават Ўразовнинг 6 қиз, 1 ўғли бор. Бугун ўнлаб невара-чеваралар Айитгул опа (Салават оғанинг турмуш ўртоғи) атрофида парвона. Ўғли Нурмуҳаммад Ўразов ҳозирги кунда ота изидан бориб Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг кадрлар бўйича ёрдамчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Биз шундай улуғ кунда марҳумнинг оила аъзоларига соғлиқ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилаб, Салават оғанинг охирати обод бўлсин деймиз.

**Н.ОҚНАЗАРОВ,**
**«Huquq» мухбири**



**Умр ўткинчи. Табиатнинг ҳеч бир мезонларга бўйсунмайдиган қонунлари мавжуд. Ибтидонинг интиҳоси бўлгани каби, дунёга келдингми, бир кун кетиш бор...**

**Ўлим ҳақлигини билиб турсангда, яхши бир инсоннинг мангуликка риҳлат қилганини эслаб, уни қўмсарkансан киши.**

**Инсон азиз, хотира муқаддас. Яхшилар ёди инсоннинг ҳаёт ҳақидаги фикратини ойдинлаштиради. Баъзан юз йил яшаган инсон ўзидан кейин бир нурли из қолдиролмайди. Аммо шундайлар бўладики, навқирон ёшида ҳаётни тарк этса-да, уни узоқ йиллардан сўнг эслаб, хотирлаганда: дилидан "афсус, яхши инсон эди", деган изтиробли ўй кечади.**

# Бағрикенг йигит эди

Ҳақли равишда шогирдим деб фахрлансам арзийдиган йигит Бахтиёр Тангриевни тез-тез хотирлайман. Ҳар гал Бахтиёрни эслаганимда унинг ортида қолган тўрт нафар ўғли борлигидан юрагим таскин топади.

Асил инсоннинг фарзандлари ҳам авлод-аждодига тортади, албатта. Кечагидек эсимда, Бахтиёржоннинг отаси раҳматли кекса педагог Сайфилло Тангриев келиб мен билан учрашган.

«Ўғлимга устозлик қиласиз энди», — деди ота самимий чеҳрасида шундай ўғил ўстирганидан фахр туйиб.

Бахтиёр иш ўрганувчилик («стажёр»лик) вақтидаёқ интеллектуал салоҳияти, иқтидори туфайли раҳбарият назарига тушди. Албатта, эл корига ярамоқлик масъулиятини ҳис эта оладиган фарзанд ўстирган ота-она ҳар қанча мақтанса арзийдида. Тенгдошлари орасида дунёқараши, фидойилиги билан ажралиб турадиган Бахтиёрга ишонч билдирилиб, мураккаб топшириқлар берила бошланди. У вилоят прокуратураси терговь бўлимида прокурор, жиноятларни тергов қилиш бўлимида бош терговчи, иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлимида катта терговчи вазифаларидаги фаолияти даврида қатор ижтимоий хавфи катта бўлган алоҳида муҳим ишлар юзасидан дастлабки терговни амалга оширди.

Меҳнатсевар, фидойилиги боис эл назарига тушиб ҳамкасблари орасида обрў топган Б.Тангриев бағрикенг, камтар йигит эди. Билими, тажрибасини ёшларга ўргатар, улардан ёрдамини аямасди. У том маънода устозлик даражасига эришган, бурч масъулиятини ҳар қандай манфаатдан юқори қўя оладиган ҳуқуқшунос эди.

Бахтиёрнинг вафоти ҳақидаги хабар ҳаммамизни лол қолдирганини эслайман. «Шу гап ростми?» деб сўраш ҳам юракни оғритади. «Кеча ишда эди-ку!» деймиз. Ёшлик шижоати, касбига содиқлиги туфайли у соғлиғига жиддий эътибор қаратмаган.

40 ёш — умрнинг энг навқирон, гуллаган палласи... Бахтиёр қисқа, аммо жуда сермазмун, ибратли умр кечирди.

— Отамдек ҳуқуқшунос бўлиш орзуим, — дейди Бахтиёрнинг катта ўғли Шавкатжон.

— Мен ҳам.

— Мен ҳам, — суҳбатга қўшилади Шерзод, Шаҳриёр. Акаларининг изидан эргашган Шаҳзоднинг ҳам орзулари бор. Бахтиёр фарзандлари тимсолида тирик, у яшаяпти.

**Насриддин САДИРОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси**

# ДАЪВАТ

мизни вагонларга жойлаштиришди. Катта дарё яқинида туширишди. Кейинчалик билсам, Волга дарёси экан. Дарёдан кечиб ўтиб, қайсидир тепалик ёнбағрида окоплар қазидик. Иккинчи ё учинчи куни бошимизга дўлдай снарядлар ёғилди. Немисларнинг самолётлари қузғундай ёпирилиб, бомбардимон қилишди. Милтиқни қучоқлаб, муздек окопда қиёмат-қойимни ўз бошимдан кечирдим. Қулоқларим битиб қолган. Теварак-атрофимда яраланган аскарларнинг оҳ-воҳларини аранг эшитаман. Икки ёнимда қонга беланган, жондан асар йўқ аскарлар... Қора тутун, чанг-тўзон бироз ариганида кимдир туртди. Окопда тик турдим. Рўпарадан улкан тошбақага ўхшаб танклар ўрмалаб келяпти. Ёнларида душман аскарлари. Отишма қулоқни қоматга келтиради. Биттасини мўлжалга олиб, тепкини босдим. Яна... яна... Нимадир гумбурлади. Ҳушимни йўқотдим. Кўзимни очсам, тепамда иккита темир қасқа кийганлар автоматларини ўқталиб чуғурлашяпти. Ўшанда бир амаллаб оёққа турмаганимда отиб ташлашаркан. Ёнимда инграб ётган аскарларни отиб ташлашганини кўрдим...

Концлагерлар... Ҳарбий асирларни одам ўрнида кўришмасди. Оч-наҳор, очиқ тош конларида қул каби ишлатишди. Укам ва синглимни, жуфти ҳалолимни, қизимни қайта кўриш умиди билан жон сақладим. Бироқ... Бизнинг концлагеримиз иттифоқчилар, инглиз-америка аскарлари ишғол қилган тарафда эди. Қизил аскарларга топширишади, деган умидимиз сароб бўлиб чиқди. Таржимон орқали асирга тушиб, концлагердан озод этилганларни Сталиннинг буйруғи билан хоин сифатида отиб ташлашаётганига ишонтиришди. Ортга йўл йўқ эди. Шу тариқа урушдан кейин хорижда қолиб кетдим. Сталин вафотидан кейин Ватанимга қайтишга умид уйғонди. Бироқ уйимга, элчихонага ёзган хатларим жавобсиз қолди. Мен тирик мурда, йўқ одам эдим. Фақат оилам, фарзандларимни кўриш умиди куч-қувват бағишларди. Сўнгги умидларим ҳам пучга чиқай деганда, Истиқлол шабодаси эсиб, мени - ўлган одамни ҳаётга қайтарди. Ўзбекистон Республикаси элчихонасига мурожаатим бежавоб қолмади.

* * *

Дадаси аяси билан бирга тушган битта-ю битта суратни Холидахон катталаштириб, уйидаги меҳмонхонанинг тўрига илиб қўйган эди. «Бедарак кетган», дея отасининг қисмидан келган хатни асраб-авайларди. Собиқ Иттифоқ ҳарбий министрлигига ёзган хатларига бирдай жавоб оларди — «бедарак кетган, архивлардан ҳеч қандай маълумот топилмади». Турмуш ўртоғи Раҳим ака, ўғиллари Асроржон, Аброржон, Аҳроржон, қизи Ҳанифахон ҳам унинг тириклигига ишонмай қўйишган, бироқ дилларидагини тилларига чиқаришмасди. Холидахон онасининг вафот этиши олдидан «дадангизни излаб топинг», дея қилган васиятини кўнглининг тўрида сақлар, умидини узмасди.

Ниҳоят отасининг дараги чиқди. Халқаро сўзлашувлар масканида, телефонда овозини эшитиб кўзларидан дув-дув ёш қуйилди. Катта ўғли Асроржон билан қанот чиқариб, Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрига учди. Отасининг сиймоси дилига муҳрланган, аэропортда юзлаб кутиб олувчилар орасидан уни адашмай топиб, бағрига отилди.

Расмиятчиликлар ортда қолди. Орадан ярим йил ўтиб, Холидахон турмуш ўртоғи, фарзандлари билан дадасини-пушти паноҳини Тошкент аэропортида қарши олди.

— Аллоҳга шукур, қайта тирилтирди, Ватанимга, уйимга, оиламга қайтарди,- деди Шукур ота. —Инсон хотираси ана шундай жон бағишловчи куч-қудратга эга. Фақат жуфти ҳалолимни кўролмай, армонда қолдим. Уйимиз остонасида қўлида чақалоқ, кўзларида ёш билан кузатаётиб «омон-эсон қайтинг» деган тилаклари хотирамда муҳрланган. Аллоҳ рафиқамнинг тилагини ижобат айлаб, мени асради, жаҳаннам қаридан, дарбадарликдан юртимга қайтарди.

Шукур отанинг хотиралари бобомнинг суратдаги сиймосини гавдалантиради. Менинг бобом ҳам урушдан қайтмаган. Фарғона шаҳридаги Хотира майдонида ўрнатилган метин ёдгорлик китобининг варақларида исми шарифи битилган. Ватанимиз озодлиги учун курашган, жонларини фидо қилган боболаримизнинг сиймоси она заминни, тинч-осойишта, фаровон турмушимизни кўз қорачиғидай асрашга ундовчи мангу даъватдир.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## 17-MAY Yakshanba

### O'ZBEKISTON

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00, 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00, 13.00 "Иқлим".
07.05, 08.35, 11.55, 13.05, 16.55, 20.00, 20.50, 21.45 ТВ - анонс.
07.10 "Сени излаб". В/ф.
07.45 "Тонгги наволар".
08.00 "Ахборот".
"Болалар сайёраси":
08.40 "Бизнинг кутубхона".
08.50 "Финли ва унинг дўстлари". М/ф.
10.00 "Саломатлик сирлари".
10.20 "Минг бир ҳунар".
10.35 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.20 "Умр манзаралари". 2-қисм.
13.10 Ҳинд киноси: "Дўстлик".
15.20 "Кўрсичқоннинг саргузаштлари". М/ф.
17.00 "Минг бир ривоят".
17.05 "Ўзбегим ёшлари дунё бўйлаб". 2-қисм.
17.45 "Ҳамон ёдимда..."
18.25 "Олис осмон". В/ф.
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома". /рус/.
20.05 Т/с "Денгиздан томчи".
20.35 "Кўнгил қўшиқ истайди".
21.00 "Таҳлилнома".
21.50 "Заковат".
22.45 "Муҳаббат қиссаси". Б/ф.
00.05- 00.15 Тунги наволар. "Uzbekistan".
00.15 Кўрсатувлар дастури.
00.20 "Ўзбегим ёшлари дунё бўйлаб". 2-қисм.
01.00 "Таҳлилнома". /рус/.
01.30 ТВ - анонс.
01.35 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
02.20 "Минг бир ривоят".
02.25 "Ҳамон ёдимда..."
03.05 "Заковат".
04.00 "Таҳлилнома".
04.40 Б/ф "Кўргилик".
05.45 - 05.55 Тонгги наволар.

### YOSHLAR

6.55 "Yoshlar" саломи".
7.00 "Якшанба нонуштаси".
7.20 "Табассум қил!"
7.30 "Қадрдон қўшиқлар".
7.40 "Соғлик - бойлик".
8.00 "KINOMANIYA".
8.30 Киноклассика: "Иван Васильевич касбини ўзгартиради".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Ёз ҳангомаси". В/ф.
11.30 "Болалар давраси".
12.00 "Эртаклар оламида".
13.10 "Навоий набиралари".
13.20, 18.50 "Ватан меҳри".
13.30 "Шамоллар мусаввири". Т/с.
14.15, 20.40 "Ўзбек адабиёти".
14.20 "Камолот".
14.30 "Эверест".
15.00 "Шарқ оҳанглари".
15.50 "Табассум қил!"
16.00 "Жумонг". Т/с.
17.10 "Қалпоқ". Ҳажвия.
17.30 "Қайнона". Б/ф.
18.55 "Онажон қишлоғим".
19.00 "Давр". Ҳафта якуни.
19.30 "Рўзғор мактаби".
20.00 "Тараннум".
20.45 "Ёшлар киноси".
21.00 Б/ф "Нотаниш".
22.30 Киноклассика: "Онтарио соҳилидаги воқеа".
00.10 "Юрт тинчлиги".

### TOSHKENT

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25, 13.00 "Салом, Тошкент!"
8.20 Бизнес-"Пойтахт".
8.30 Т/с "Муҳаббат қаҳваси".
9.20, 16.20 "Карвонсарой".
9.30 "Пойтахт".
9.40 "Репортаж".
9.50 "Афиша".
10.00, 16.35, 19.55 "Телекурьер-маркет".
10.15 "Истеъдод".
10.30 "Пойтахт" /рус/.
10.40, 14.00, 16.30, 19.45, 20.45 "Анонс".
10.45 Ҳинд киноси: "Муҳаббатга ошиён юрак".
14.05 "Рататуй". М/ф.
15.55 "Саргузаштлар ороли".
16.50 "Нафосат олами".
17.00 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: "Менинг шаҳрим".
17.15 "Болаликка қайтиб".
17.30 "Қаллиқ ўйин". Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.
19.50 "Ягонамсан, Тошкентим!"
20.10 "Тошкент-2200".
20.15 "Тошкентда латифа.
20.20 "КИНОТАҚДИМ".
20.50 "Откритая дверь".
21.20 - 23.25 "Ёмғир одами". Б/ф.

### SPORT

8.00 "Бодрое утро".
9.00 "Хабарлар" (рус)
9.20 "Қувноқ стартлар".
10.00 "Хабарлар" (ўзб)
10.25 "Гол".
11.10 "Аптека слушает".
12.00 - 13.40 Спортивное кино "Баскетбол в стиле кунг - фу".
* * *
18.00 "Тет-а-тет".
18.15 "Умид ниҳоллари".
18.30 "Версия".
18.35 "Спорт салтанати".
18.55 "АВТОграф".
19.20 "Вилоят спорти".
20.20 "Профринг".
21.20 "Талқин".
21.55 Интерфутбол. Испания чемпионати.
23.50 Теннис.
00.45 "Тунингиз осуда бўлсин!"

### KAMALAK-TV

10:00, 11.35 Клип минутка
10:20 М/ф "Том и Джерри"
11:55 М/ф "Тарзан 2"
13:05 Рейтинговый фильм
14:25 Большое кино "Машина времени"
16:00 Музыкальная дорожка
16:40 Х/ф "Познакомьтесь Дейв"
18:05 Музыкальная дорожка
18:45 Х/ф "15 августа"
20:15 Музыкальная дорожка
20:55 Х/ф "Перл Харбор"

### 1

05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 Х/ф "Малыш-каратист-2"
07.05 Смак
07.40 "Служу Отчизне!"
08.10 Умницы и умники
09.25 "Непутевые заметки"
09.40, 02.50 "Пока все дома"
10.25 Фазенда
11.10 Живой мир. "Галапагосы: Острова, которые изменили мир"
12.05 Х/ф "Голубая стрела"
13.45 "Люди-феномены"
14.45 Комедия "Гарфилд-2"
16.20 "Светлана"
18.00, 21.00 "Две звезды"
20.00 Воскресное "Время"
22.00 Футбол. IX тур. ЦСКА - "Зенит"
00.05 Х/ф "Сицилийский клан"
02.10 "Спасение"

### РОССИЯ

04.55 Х/ф "Увольнение на берег".
06.25 "Смехопанорама".
06.55 "Сам себе режиссер".
07.45 "Утренняя почта".
08.20 М/ф: "Брэк!", "Ежик в тумане".
08.40 М/ф "Город колдунов". (Франция - Испания).
10.00, 13.00 "Вести".
10.10, 13.20 "Местное время. Вести - Москва". Неделя в городе.
10.50 "Городок".
11.20 "Сто к одному".
12.15 "Парламентский час".
13.30 "Вести. Дежурная часть".
13.55 "Честный детектив".
14.30 "Смеяться разрешается".
16.05, 20.05 "Танцы со звездами". Прямая трансляция.
19.00 "Вести недели".
20.20 "Специальный корреспондент".
20.50 Х/ф "Сюрприз".
22.45 Х/ф "Опасный Бангкок". (США).
00.35 Х/ф "Изгоняющий дьявола: Начало". (США).
02.30 Комедия "Отбивные". (Франция).

### НТВ

04.50 Боевик "Первый удар". (США).
06.05 М/с "Приключения Гулливера". (США).
06.30 "Дикий мир".
07.00, 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 "Сегодня".
07.20 Лотерея "Русское лото".
07.45 "Их нравы".
08.25 "Едим дома".
09.20 "Спасатели".
09.50 "Quattroruote".
10.25 "Авиаторы".
11.00 "Дачный ответ".
12.25 Детектив "Из жизни начальника уголовного розыска".
14.05 "Своя игра".
15.25 "Борьба за собственность".
16.00 Т/с "Закон и порядок".
18.50, 19.25 "Чистосердечное признание".
20.00 "Главный герой".
21.00 Х/ф "Парк Юрского периода 3". (США).
22.45 "Футбольная ночь".
23.20 Х/ф "Заводной апельсин". (Великобритания - США).
02.05 Т/с "Закон и порядок".
04.15 Т/с "Все включено".

### ТВ 3

07.00, 09.30 М/ф.
08.00 М/с "Жизнь с Луи".
08.30 М/с "Чуды-юды в лавке".
09.00 М/с "Шаман Кинг".
10.30 Х/ф "Тот самый Мюнхгаузен"
12.00 Т/с "Приключения Индианы Джонса"
14.00 Д/ф "В поисках затерянных миров".
15.00 Х/ф "Оползень".
17.00 Сигнал бедствия.
18.00 Х/ф "Остров потерянных душ".
20.00 Д/ф "Городские легенды".
21.00 Х/ф "Черная вдова".
23.00 Х/ф "Человек тьмы 2. Возвращение Дюрана".
01.00 Х/ф "Ложное искушение".
04.00, 05.00 Спортивный турнир "Покер после полуночи".
06.00 Relaks.

### DTV

07.00,03.55 "Клуб детективов".
07.55 Музыка.
08.00, 08.30 Д/ф "Как уходили кумиры".
09.00 "Тысяча мелочей".
09.30-12.40 М/ф.
12.40 Х/ф "Признать виновным".
14.30,15.00,05.55 "Каламбур".
15.30,02.00 Х/ф "Мститель".
17.30,18.30 Т/с "Близнецы".
19.30,01.30 "Смешнее, чем кролики".
20.00,20.30, 01.00 "Брачное чтиво".
21.00 Х/ф "Десант".
23.00 Т/с "След".
00.00 Т/с "CSI: Место преступления Майами 6".

### СТС

07.00 Х/ф "Малыш, дождь должен пойти". (США).
09.00 М/ф "Весенняя сказка".
09.20 М/с "Смешарики".
09.30 М/с "Леонардо".
10.00, 15.30 М/с "Том и Джерри".
10.15 "Самый умный".
12.00 "Галилео".
13.00 "Снимите это немедленно!"
14.00 Т/с "Дом кувырком".
16.00 М/с "Чип и Дейл спешат на помощь".
17.00, 17.30, 21.00 Т/с "6 кадров".
18.30 Т/с "Папины дочки".
22.00 Х/ф "Бар "Гадкий койот". (США).
23.50 Т/с "Даешь молодежь!"
00.50 Х/ф "Будь круче". (США).
03.00 Х/ф "Месть Кристи". (Канада).
04.30 Х/ф "Воскресший из мертвых". (США).
06.10 Музыка.

Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт

## Жирков ҳам рўйхатда



«Челси» клубининг раҳбарияти янги тайинланган мураббий Карло Анчелоттига жамоага тўрт нафар янги ўйинчиларни сотиб олиш учун 50 млн. фунт стерлинг сарфлашга ваъда берди. Dayly Telegraph хабарига кўра харид қилиниши кутилаётган ўйинчилар рўйхатида россиялик Юрий Жирков ҳам бор.

Анчелоттининг «Челси»га мураббий этиб тайинланиши деярли ҳал бўлган. Унинг талабига кўра раҳбарият янги ўйинчиларни сотиб олиш учун пул беришига ишонтирган. Биринчи навбатда италиялик мураббий «Арсенал» аъзоси Эммануэль Адебайорни сотиб олмоқчи. Англияликлар Адебайорнинг трансфер нархини 20 млн.га баҳолашмоқда. Шу билан бирга «Челси» клуби Жирковга ҳам анчадан бери қизиқади. Бу ўйинчини сотиб олишни «Челси»нинг бош мураббийи вазифасини бажарувчи Россия терма жамоасининг мураббийи Гус Хиддинк ҳам маслаҳат берган. Учинчи ўйинчи яқин пайтларда «Манчестер Юнайтед» жамоасини тарк этиши кутилаётган аргентиналик Карлос Тевесдир. Тўртинчи ўйинчининг исми ҳозирча маълум қилинмаяпти.

## «Олтин тўп» эгаси «Реал»га ўтади



2007 йилда йилнинг энг яхши ўйинчиси унвонига сазовор бўлган бразиялик Кака 2009/10 йил мавсумида Мадриднинг «Реал» жамоасида тўп суриши кутилмоқда. Бу ҳақда футболчининг агенти ҳисобланмиш отаси Бошко Лейте маълум қилган. Унинг айтишича, Флорентино Перес «Реал» клубининг президенти этиб сайланса, ўғли ушбу жамоада ўйнаши аниқ. Жорий йилнинг январида Рамон Кальдерона истъефога чиққанидан сўнг президентлик лавозими бўш қолди. Перес эса асосий даъвогарлардан бири ҳисобланади. Перес 2000 йилдан 2006 йилга қадар «Реал»нинг президенти бўлиб ишлашга улгурган. Унинг даврида жамоа 2 маротаба Испания чемпиони ва бир марта чемпионлар Лигасида ғолиб бўлган. Сайлов 14 июнга режалаштирилган бироқ ундан аввалроқ ҳам ўтказилиши мумкин. Ҳозирда «Милан» клуби Кака учун 60 млн. доллар сўрамоқда. Лекин Перес ва «Милан» клуби президенти Берлускони ўртасидаги илиқ муносабатлар туфайли трансфер нархи 50 млн.гача туширилиши мумкин.

Перес «Реал»га таклиф қилиши мумкин бўлган яна бошқа футболчилар Криштиану Роналду, Сеска Фабрегас, Хаби Алонсо, Давид Вилья ва Давид Сильвулардир.

## Малдини ўйинни тугатмоқчи



Италия терма жамоаси ва «Милан» клуби аъзоси Паоло Малдини футболчи сифатида фаолиятини 31 майда тугатмоқчи эканлигини маълум қилди.

«Бўлди, тугатаман. Табиатга қарши курашиш мумкин эмас», деб айтди 40 ёшли футболчи Stampa газетасига берган интервьюсида. Унинг айтишича, 10 ёшидан бери «Милан» клубида ўтказган даврига ҳеч ҳам ачинмайди.

Италиянинг А сериясида илк бор Малдини 16 ёшида, 1985 йилда майдонга тушган. Малдини охирги ўйинини терма жамоа таркибида ўтказишни хоҳлаётганини маълум қилган.

## Чидай олмаган ишқибоз





Лондоннинг «Арсенал» футбол жамоасининг ашаддий ишқибози, кениялик Сулаймон Альфонсо Омонди севимли жамоаси «Манчестер Юнайтед»га 1-3 ҳисоби билан ютқазиб қўйганига чидай олмай Кения пойтахти Найроби чеккасида жойлашган уйининг балконида ўзини осиб қўйди. Марҳумнинг дўстларидан бири Келвин Отъендонинг маълум қилишича, улар мазкур жавоб учрашувини Сулаймон билан биргаликда барда томоша қилишган. «Арсенал»нинг мағлубиятидан сўнг Сулаймон кўз ёш тўкканча уйга кетган. 6 май куни эрталаб Отъендо шум хабарни эшитган.

▶ Музей ходимларига пистолет билан таҳдид қилиб, деворга осиб қўйилган картиналарни олишган ва машиналарига ўтириб кўздан ғойиб бўлишган. Аниқланишича, ўғирлаб кетилган картиналардан бири Сальвадор Далининг 1941 йилда чизилган «Ёшлик» асари ҳамда польшалик рассом аёл Тамара Лемпицкаянинг 1929 йилда чизилган «Мусиқачи қиз» асари экан. Музейда ўғирлаб кетилган асарларнинг баҳосини аниқлашмоқда, деб хабар беради агентлик.

## ДАЛИНИНГ ҚАЛБАКИ АСАРЛАРИ

Испаниянинг жанубидаги Эстепона шаҳрида полиция Сальвадор Далининг 69 та қалбаки асарини конфискация қилди, деб хабар беради Associated Press ахборот агентлиги. Бельгия, Франция ва АҚШда ўғирланган 12 та предмет асл нусха бўлса керак. Уларнинг тавсифи Интерполнинг маълумотлар базасида сақланмоқда. Полициячилар Испанияга сотиш учун скульптуралар, литографиялар, гравюралар, ошхона анжомлари ва суратли матолар келтирган Франция фуқаросини қамоққа олдилар. Маҳбуснинг исми сир тутилмоқда. Полициячилар томонидан қўлга олинган қалбаки буюмлар орасида уч метр баландликдаги фил скульптураси ҳам бор. Унинг баҳоси тахминан 1.2 миллион евро (1.5 миллион доллар) экан.

## КАРТИНА ЎҒРИЛАРИ



Ўғрилар Арманистон Миллий галареясининг Ереван шаҳридан 50 километр узоқликда жойлашган Раздан шаҳридаги филиалидан 18 та картинани ўмариб кетишди. Ўғирланган картиналар орасида Мартирос Сарьян, Мариам Степанян, Сурен Сафарян ва бошқа таниқли мўйқалам усталарининг асарлари бор.

Armenia Todayда ёзилишича, Айвазовскийнинг «Кеманинг чўкиши» асарининг муаллифлик нусхаси ҳам ўғирлаб кетилган. Ўғирлик 2009 йил 1 апрель куни содир этилган. Тергов ходимларининг айтишича, ўғрилар галерея филиалига деразалар орқали кириб олишган. Етказилган зарар миқдори ва ҳар бир картинанинг баҳоси аниқлаштирилмоқда.

## КАМЁБ ШИША ИДИШЛАР

Лондон музейи яқинда Буюк Британия пойтахтининг шарқий томонидан топилган ва реставрация қилинган қадимги Рим шиша идишларига ўз экспозицияси қаторидан жой берди. Бу идишлар мураккаб миллефьори усулида тайёрланган. Биронта музейда ушбу идишларга ўхшаш ҳажмда тайёрланган ва сақланган экспонатлар мавжуд эмас, деб ёзади The Guardian газетаси.

Ҳатто Нью-Йоркдаги Корнинг музейида ҳам шунга ўхшаш шиша идишларнинг бир неча синиқлари кўргазмага қўйилган, холос. Лондон яқинида топилган шиша идишлар Британия оролларига Александриядан келтирилган бўлиши мумкин. Археологлар бу идишларни Олдгейт районидаги эрамизнинг 3 асрида юзага келган катта қабристондан топишган. Кўмилган нарсаларга ҳеч ким тегинмаганлиги боис шиша идишлар бутунлигича сақланган.

Миллефьори сўзи итальян тилидан таржима қилинганда «мингта ранг» деган маънони англатади. Бўлғуси шиша идиш ранг-баранг шиша иплардан бунёд этилади. Сўнгра улар кўндалангига кесилиб, ёнма-ён ёпиштирилади.

# КЎНГИЛ ИМОРАТИ



Жамоат жойларининг энг ноқулай жиҳати шундаки, истайсизми, йўқми, беихтиёр ён-атрофингиздагиларнинг суҳбатига гувоҳ бўлиб қоласиз. Гоҳида қизиқ, гоҳида эса маза-бемаза гап-сўзлар қулоққа чалинади. Яқинда 13-маршрутли автобусга чиққан камина ҳам шундай ҳолатта дуч келди.

— Дунёнинг ишларини қаранг, — шеригига йиғи аралаш куюнганча гапирарди ўрта ёшлардаги бир аёл, — укамнинг тилаб-тилаб олган боласи ногирон туғилди. Эр-хотиннинг болани кўрсатмаган дўхтирлари қолмади. Устига-устак, онам ҳам ётиб қолганлар. Келиним бечора онамга қарасинми, боласигами? Мен болаларимдан ортиб вақтида боролмасам?!

— Жиянингизни боғчага бермайсизларми?

— Бола ногирон деяпман-ку! Қайси боғча бунақа болани олади?

— Қаердадир шунақа болаларни қабул қиладиган боғча бор экан-ку! Шошманг, мен ҳозир, — аёл шундай деб сумкасидан қўл телефонини олди-да, кимгадир қўнғироқ қилди. Боғчанинг манзилини сўраб, телефонни сумкасига солгач, шеригига юзланди: — Мана опа, айтдим-ку шунақа боғча бор деб! Зангиота туманида, ҳокимиятнинг яқинида жойлашган экан.

— Вой, умрингиздан барака топинг. Бўлмаса, ҳозир укамникига ўта қоламан. Баҳонада онамни ҳам кўриб келаман...

Керакли манзилга келганим учун автобусдан тушиб қолдим. Ишларга чалғиб кетдим. Кечқурун уйга келгач, автобусдаги суҳбат ёдимга тушиб, аёлимга айтиб бердим.

— Адаси, пайти келса битта болани эплай олмаймиз. Тағинам боғчадаги тарбиячиларга тўзим берсин. Бировнинг боласи бўлса, унча-бунча гапга тушунмаса! Яна битта ўзи эмас. Сиз айтган боғчани... билмадим. Қанақа қилиб эплашаётган экан?..

Унинг гапидан кейин ўша боғчани бориб кўриш, шароити билан танишиш иштиёқи туғилди. Икки-уч кундан кейин Зангиота туманига йўл олдим. Айтилганидек, ҳокимиятнинг яқинига бориб, боғчани суриштирдим. Билишмади. 4-сонли болалар боғчаси бор экан. У ерда дарҳол керакли манзилни тушунтириб беришди. Хуллас, сўраб-суриштириб, пештоқига «30-сонли махсус мактабгача таълим муассасаси» деб ёзилган икки қаватли бинога етиб келиб, мудиранинг хонасига кўтарилдим.

* * *

Мудира Холида опа Ҳасанова мақсадимни эшитгач, муассасага қисқача таъриф бериб ўтди:

— Боғчамиз аввалига идоравий бўлиб, 1998 йилдан туман халқ таълими тасарруфига ўтган. Мен ҳам ўша йилдан бери шу ерда мудира бўлиб ишлаб келаман. Ўтган йили вилоят билан туман ҳокимлиги биргаликда ногирон болалар учун боғча очиш ташаббуси билан чиқишди. Аҳоли зич яшайдиган микрорайонда жойлашгани ҳамда келиб-кетиш нисбатан қулай бўлганлиги сабабли бизнинг боғча танланди. Май ойидан қурилиш ишлари бошланган бўлса, 17 сентябрь куни фойдаланишга топширилди. Боғча деярли қайта қурилди десам, муболаға бўлмайди. Бу ишда туман ҳокими Акмал ака Исабаев, халқ таълими бўлими мудири Абдулла ака Раҳматуллаев, айниқса, туман прокурори Юлдуз опа Мирзаеванинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашим лозим. Очиғини айтаман, Юлдуз опани формасиз кўрган одам, прокурор деб ўйламайди. Очиқ кўнгил, дилкаш аёл. Шарттакилиги ҳам бор. Қурилиш айни авжида кезлари Юлдуз опа тўсатдан кириб келади, денг. Муаммоларимиз билан қизиқиб, қўлидан келган ёрдамини аямади. Ҳатто гуруҳлардаги пардалардан тортиб айрим деворларнинг ранглари қандай бўлишигача маслаҳат берди. Бугун бу ерда болаларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, соғломлаштириш-муолажа хонаси ҳам ташкил қилинди. Ҳозир боғчамиздаги 5 та гуруҳда жами 93 нафар бола тарбияланмоқда. Иккитасида таянч-ҳаракат аъзолари бузилган, биттасида эндокрин касаллик билан оғриган болалар бор.

Фурсат топиб опадан ҳомийлар ҳақида ҳам сўрайман.

— Барака топишсин, саховатпеша ҳамюртларимиз бор. Янги йил арафасида шундайлардан бири болаларимизга совғалар олиб келди. Ўзингиз тарқатасиз, дея, базўр кўндирдим. Болаларни саф торттирдик. Ҳалиги одам совға улашаётганда, болаларнинг қанчалар қувонганини кўриб, ўзини йўқотиб қўяёзди. Ҳаяжонланаётгани қизариб кетган юзидан шундоқ кўриниб турарди. Яқинда яна бир инсон қўй олиб келиб, сўйиб берди. Улардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Опа билан яна бироз суҳбатлашиб, гуруҳлар томон йўл оламиз.

— Иккинчи қаватда ижтимоий кўникма марказимиз жойлашган. Бунинг эса оналар учун жуда ҳам қулай жиҳати бор. Улар эрталаб болаларини боғчага топширгач, агар хоҳлашса, тепага чиқиб ҳунар ўрганишлари мумкин. Пазандачилик, тикувчилик, ҳамширалик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги каби гуруҳларда уч ой ўқишгач, сертификат берилади. Ногирон болаларнинг оналари учун ўқиш бепул. Энг асосийси эса, улар кўп вақтларида фарзандларининг ёнгинасида бўлишади.

Биринчи гуруҳга кирамиз. Вақт тушликдан ўтгани учун болалар ухлаб ётишган экан. Хоналар шароитта мос тарзда жиҳозланган. Девор четига юришга қийналадиган болалар учун махсус мослама, полига эса рангли пластмасса тошчалар ўрнатилган гиламчалар тўшалган. Тарбиячининг айтишича, бу тошчалар болаларнинг оёқ кафтларини массаж қилишда ёрдам берар экан.

— Мана бу ёстиқчаларни эса тарбиячиларимизнинг ўзлари тайёрлашган, — Холида опа шундай дея гиламчанинг устида ётган, ўртача катталикдаги, турли рангдаги ленталар билан безатилиб, ҳар хил ҳажмдаги тугмалар қадалган ёстиқлардан бирини қўлига олади. — Болалар тугмаларни қадаб, ечиб, қўлларини ҳаракат қилдиришади. Бу нарса эса ўз навбатида массаж вазифасини ҳам ўтайди. Болалар тарбиячилардан ташқари логопед, педиатр, невропатолог, массажчи, жисмоний инструктор кабиларнинг ҳам доимий назоратида туришади.

— Холида опа, ўрни келганда бир савол. «Беш қўл баробар эмас» деганларидек, ҳар хил ота-она бор. Боламни бунақа боғчага бермайман деган гап-сўзлар чиқмадими? Бир томони ўзбекчилик.

— Шукрки, унақаси бўлмади. Биринчидан, боя айтганимдек, ҳудудимизда аҳоли зич жойлашган. Қолаверса, кимнинг яқингинасида болалар боғчаси бўла туриб, боласини узоққа бергиси келади? Айтмоқчи, боя соғлом болаларнинг бу ердаги иштироки ҳақида сўраган эдингиз-а? Бир гап айтсам ишонасизми? Ўшалар ҳовлига ўйнашга олиб чиққан заҳоти ногирон болаларнинг олдига чопишади. Кўпчилиги аллақачон ўртоқ бўлиб ҳам олишган. Аравачага солиб, ҳовлини айлантиришади. Бирга ўйнаб, гапга солишади. Айниқса, умуман қадам боса олмайдиган бир болакайимиз соғлом болаларга қўшилиб атак-чечак қилиб юриб кетганини кўрганингиздами? Ёки, гапира олмайдиган яна биттасининг бир-иккита сўз айта бошлаганини-чи?! Бизга бундан ортиқ бахт борми?..

* * *

Туман ҳокимининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосари Раъно Тўраева қўшни тумандаги бир тадбирга кетган экан, бироз кутишга тўғри келди.

— Боғчамизни кўриб келдингизми? — Салом-аликдан кейин ташрифим сабабини билгач, гап бошлади Раъно опа. — Бу ишларнинг ташаббускори вилоят ҳокимининг ўша пайтдаги ўринбосари — хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида опа Акбарова бўладилар. У киши туманимизга келиб, ижтимоий кўникма маркази очиш ҳақида айтиб қолдилар. Туманимиз ҳокими ҳам бу фикрни қўллаб, ўша боғчани танлашди. Боғча мудираси Холида опа айтиб берган бўлсалар керак? Боғчани деярли бутун туманимиз билан ҳамжиҳатликда ишга туширдик десам, янглишмаган бўламан. Туманимиз ҳокими, прокурор Юлдуз опа ва бошқа мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳам бу хайрли ишдан четда туришгани йўқ. Марказ ҳақида ҳам эшитган бўлсангиз керак? Уни ташкил қилишдан мақсад эса, уйда бола тарбияси билан машғул бўлиб, жамоатчиликдан узилиб қолган оналарга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш эди. Ўйлайманки, бунга маълум даражада эришилди ҳам. Сабаби, марказда ўқиган аёллар бугун уйларида бекор ўтиришгани йўқ. Бичиш-тикиш ишлари билан машғуллар. Марказнинг буюртмаси билан форма тикиб, оила бюджетига қўлдан келганча ҳисса қўшмоқдалар. Умуман олганда, вояга етмаганларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга имкон қадар ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, ўтган йили 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан туман комиссияси, прокуратураси ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда туманимиздаги тарбия колониясида тарбияланаётган вояга етмаганлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Байрам дастурхони ташкил қилиниб, ғолибларга совғалар тақдим қилинди. Прокуроримиз Юлдуз опа Мирзаеванинг ташаббуси билан эса Зангиота касб-ҳунар коллежи талабаларининг дарсларга келиб-кетишини таъминлаш мақсадида «Мерседес» автобуси ажратилиб, уларнинг ўқишга бепул қатнаши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, мақтанишга йўйманг-ку, туманимизда кам таъминланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга қўлдан келганча кўмак беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўтган йили шундай оилалардан 12 тасига ҳокимлик номидан компьютер совға қилинди. Мана ҳозир...

Раъно опа шундай дея жавондаги альбомлардан бирини олади. Варақлайман. Суратлардан бирида шароитининг етарли эмаслиги уйининг жиҳозланишидан ҳам кўриниб турган болакайлардан бири компьютерни кўриб, қувонганидан қичқириб юборгани акс эттирилган бўлса, бошқасида қизалоқ ўта ҳаяжонланганидан кўзлари чақнаб, оғзини очганча икки қўли билан юзларини ушлаб турибди. Хуллас, бахтли онлар муҳрланган суратлар...

— Айтмоқчи, боғчадаги болакайлардан бирининг юра бошлагани-ю, иккинчисининг сўзларни бир амаллаб ҳижжалаётгани ҳақида эшитгандирсиз?

Раъно опанинг бу гапини эшитиб, бу туманда ишлар баъзи жойлардагидек ҳўжакўрсинга юритилмаётгани-ю, мутасаддилар ҳам фақаттина «очко» олиш учун бажараётган вазифаларини кўз-кўз қилмаётганликларининг гувоҳи бўлдим.

Айтмоқчиманки, агар Раъно опа боғчадан хабар олиб турмаганида, у ердаги болакайларда бўлаётган ижобий ўзгаришларни қаёқдан ҳам биларди?

— Буни қаранг, — у киши сўзида давом этар экан, кулимсирайди, - янглишмасам, уларнинг оталари керакли соҳа врачларига учрашишган. Ҳаракат қилишган. Албатта, қандай натижага эришганликлари ўзларигагина маълум. Бу ерда эса ўша болакайнинг тенгқури ўзи ҳам билмаган ҳолда иккинчисига ёрдам қўлини чўзиб турибди. Бир томондан қараганда, бу болаларнинг нима айби бор? Уларнинг ҳам бошқаларга ўхшаб ўйнаб-кулишга, ўқиб-ўрганишга ҳаққи бор-ку! Меҳрибонлик уйида бирон марта бўлганмисиз? Болаларнинг жовдираб турган кўзларини кўрганмисиз? Яқинда Бўка туманидаги меҳрибонлик уйига бориб келдим. Беш нафар боламиз ўша ерда тарбияланишаяпти. Света исмли қизимиз билан бироз суҳбатлашдим. Ёши катталашиб қолгани учун бўлса керак, анча ўзгариб, маъюсланиб қолибди. Кўзларида аввалги олов йўқ. Устига-устак уч ойча олдин онаси вафот этди. Ҳайронман, нимага бунақа бўлаяпти? Сўрасам, индамайди? Ҳозиргача уни унутолмаяпман. Тўғри, тез-тез бориб, улардан хабар олиб турамиз. Лекин, нима бўлганда ҳам биз уларнинг ота-онаси ўрнини боса олмаймиз-ку!

* * *

Қайтишда туман прокуратурасига кириб ўтдим. Прокурор терговчиларнинг ёнида, дейишди. Кутиб турдим. Суҳбатимиз нисбатан қисқа бўлди.

— Шу пайтгача қилинган ва қилинаётган ишларнинг барчаси аваламбор, кундалик вазифамиз ҳисобланади, — дея гап бошлади Юлдуз опа. — Шунинг учун уни қилдим, буни қилдим дея, оғиз кўпиртиришнинг кераги йўқ. Нимаики қилаётган бўлсак, юртимизнинг тинчлиги, фуқароларимиз ҳуқуқларининг бузилмаслиги, энг асосийси эса, фарзандларимизнинг соғ-саломат, бекаму-кўст таълим-тарбия олиб, вояга етиши учун қилаяпмиз деб ҳисоблайман. Болани бешикдан тарбиялаш керак, дейишади. Биз эса бу юмушни ота-онага ҳавола қилган ҳолда, тарбияни боғчадан беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Боғча ёшидаги бола ҳар қалай яхши-ёмоннинг фарқига борадиган бўлади. Маълумки, кўп ҳуқуқбузарликлар-у кўнгилсиз ҳодисалар бекорчиликдан содир бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун биринчи галда ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш лозим. Шу мақсадда туманимиздаги 46 та мактабнинг барчасида ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб тўгараклар ташкил қилинган. Туман ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамда унинг бўлимларида 760 нафар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошидаги тўгаракларда эса 1448 нафар ўғил-қиз шуғулланиб, бўш вақтларини унумли ишларга сарфламоқдалар. Бундан ташқари юридик лицей қурилиши ҳам якунланиш арафасида. Бир сўз билан айтганда, ҳали қиладиган ишларимиз бисёр...

* * *

Бу воқеаларнинг бўлиб ўтганига бир ҳафтача бўлди. Аммо, боғчадаги биринчи кирган хонамиз ҳам, аравачада шириngина ухлаб ётган болакай ҳам, каравотда ётганча мунчоқ кўзларини пирпиратиб, шириngина табассум ҳадя қилган қизалоқ ҳам, ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмаяпти. Нима бўлганда ҳам, тан олишим керак, ўшанда 13-автобусга чиққанимга, икки аёлнинг суҳбатига беихтиёр гувоҳ бўлиб қолганимга ҳеч афсус қилмайман...

**Ғофуржон АЛИМОВ,**
**«Ниқиқ» мухбири**

СУД ОЧЕРКИ

*Нициq*

# «ЛАНГАР ГРАНИТ»

## АТРОФИДАГИ ЎЙИНЛАР

**Нурота тоғ тизмасида жойлашган, Навоий вилоятининг Хатирчи туманига қарашли Лангар қўрғонини кўпчилик яқин-яқинларгача обод ва кўркам кончилар шаҳарчаси сифатида билишар эди. Одамлари меҳнаткаш, самимий. Ўтган асрнинг 40-50-йилларидан шеелитга, вольфрамга бойлиги сабаб, Лангар тоғларида кончилик саноати ривожланган. Лангар тоғлари ўз бағрида вольфрам, волластонит, пироксен, гранит, сланец, эпидот, везувиан ва бошқа фойдали қазилмаларни асраб келаётгани билан ҳам аҳамиятли. Сифатли ва мустаҳкам Лангар гранитларига нафақат республикамизда, балки МДҲ давлатларида ҳам талаб катта бўлган. Аммо сўнгги йилларга келиб вазият кескин ўзгарди. «Лангар» ОТАЖ молиявий инқирозга юз тутди. Мавжуд конларнинг ишчи-хизматчилари ишсиз қолишди. Ёшларнинг кўпчилиги иш қидириб катта шаҳарларга, хорижга чиқиб кетишмоқда. Бир пайтлар гуллаб яшнаган кончилар шаҳарчасини бугун файзу барака тарк этган, гўё.**

**Хўш, нима сабабдан корхона бундай аҳволга тушиб қолган? Албатта бунинг турли сабаблари бор. Қуйида ана шундай сабаблардан бири ҳақида маълумот бериб ўтамиз.**

«Ўзқурилишматериаллари» АК бошқарув раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келган Сабир Эргашев масъул вазифани эгаллаши билан мўмай даромад манбаларини қидира бошлайди. У мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, шахсий бойлик орттириш мақсадида ўз атрофига ҳамтовоқлар йиғиб, жиноий гуруҳ ташкил этган. Шу мақсадда Италиянинг «Роверой ЛТД» фирмаси раҳбари А.Чернишова, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки лойиҳавий молиялаштириш Маркази директори П.Зимин, лойиҳаларни экспертиза қилиш бошқармаси бошлиғи З.Нигманов, лойиҳавий молиялаштириш Маркази саноат-қурилиш материаллари ва қурилиш бўлими бошлиғи Ш.Каракулов, «Лангар» ОТАЖ раҳбари М.Ҳамраев, «Лангар Гранит» ШК директори Д.Қобилов, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Навоий филиали бош мутахассиси У.Болтаев, «Ўзқурилишматериаллари» АК бошқарма бошлиғи М.Раҳимов, Навоий вилоят божхона бошқармаси ходимлари У.Равшанов, К.Мўминов, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг бошқарма бошлиғи С.Ҳасанов, бўлим бошлиғи Н.Белялов ва бошқалар билан жиноий тил бириктиради. Шу аснода уюшган жиноятчилар жуда кўп миқдордаги валюта кредит маблағларини талон-торож қилишни режалаштирган.

Келинг, яхшиси ҳаммасини бошидан баён қилайлик. «Ўзқурилишматериаллари» АК томонидан ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 майдаги 277-сонли Қарори билан тасдиқланган «Қурилиш, қайта таъмирлаш корхоналарини техник жиҳозлаш ва 1997-2000 йилларда чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали тармоқни ривожлантириш» Дастурининг 5-сонли иловасининг 5.6 бандида Навоий вилоятининг Хатирчи туманида жойлашган «Лангар» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида гранит харсангларини қазиб олиш ва гранит плиталарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш белгиланган.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш мақсадида 1998 йил 1 июль куни «Лангар» ОТАЖ қошида «Лангар Гранит» шўъба корхонаси ташкил этилади. Мазкур шўъба корхонаси томонидан 1999 йил 4 январь куни Италиянинг «Роверой ЛТД» фирмаси билан гранит блоклари қазиб олувчи янги технологик ускуналарини етказиб бериш ҳақида умумий қиймати 1 млн. 254 АҚШ долларини ташкил этувчи шартнома тузилган ҳамда ушбу лойиҳани молиялаштириш учун 1999 йил 11 январь куни «Лангар» ОТАЖ бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига «Лангар Гранит» шўъба корхонасига кредит маблағи ажратишни сўраб мурожаат қилган.

Шундан сўнг, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг лойиҳавий молиялаштириш Маркази директори П.Зимин, лойиҳаларни экспертиза қилиш бошқармаси бошлиғи З.Нигманов, бўлим бошлиғи Ш.Каракуловлар лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги ва кредит ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш ўрнига, кейинчалик кредит маблағларини талон-торож қилиш мақсадида лойиҳадаги камчиликлардан кўз юмадилар. Улар «Лангар Гранит» шўъба корхонаси балансида гранит конлари мавжуд эмаслигини ва бунинг оқибатида лойиҳа амалга ошмаслигини олдиндан билишса-да, жиноий гуруҳ манфаатларини кўзлаб сукут сақлайдилар.

Ш.Каракулов ишни янада пишитади: кредитнинг қайтарилишини гўёки таъминланган деб кўрсатиш мақсадида, Зарафшон шаҳридаги «Поток» изловчилар артели раҳбари А.Вдовенко ва бош ҳисобчиси В.Селезневлар билан жиноий тил бириктириб, уларни ҳам уюшган жиноий гуруҳ таркибига жалб қилади. А.Вдовенко ва В.Селезнев томонидан кредитнинг 576 минг 85 АҚШ доллари миқдоридаги қисмига артель Бошқарув Кенгашининг розилигисиз тузилган ва қонуний кучга эга бўлмаган кафиллик шартномасини гўёки кредитнинг таъминоти сифатида асоссиз қабул қилганлар.

Ш.Каракулов ва уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари жиноий ҳаракатларини давом эттириб, «Лангар» ОТАЖнинг иқтисодий ночор аҳволдалигини ва ажратилаётган кредит учун кафил бўла олмаслигини била туриб, мазкур ОТАЖ томонидан кредитнинг 250 минг АҚШ долларига ноқонуний равишда берилган 1999 йил 25 декабрдаги кафиллик шартномасини ҳам асоссиз равишда қабул қилганлар.

Шундан сўнг, лойиҳани амалга ошириб бўлмаслиги ва кредитнинг қайтмаслиги аён бўлса-да, уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида уюшган жиноий гуруҳ аъзолари З.Нигманов ва Ш.Каракуловлар сохта кредит ҳисоботини тузиб, бу хулосани уюшган гуруҳ аъзоси П.Симинга тасдиқлатиб, ушбу сохта ҳужжатлар асосида 1999 йил 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ва «Лангар Гранит» ШК ўртаcида 1 млн. 254 минг АҚШ долларига кредит шартномаси расмийлаштирилиши ва 2000 йил 4 январдан бошлаб лойиҳанинг молиялаштирилишига эришганлар.

Шу тарзда, Италиянинг «Роверой Лимитед» фирмасига шартномада назарда тутилган тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилган. Аммо Ш.Каракулов, А.Чернишова ва уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан кредит маблағларини талон-торож қилиш борасида ишлаб чиқилган жиноий режага асосан, «Роверой Лимитед» фирмаси томонидан шартнома шартларига хилоф равишда 2000 йилнинг май-август ойларида ускуналар тўлиқ ҳолатда етказиб берилмаган. Бу ҳам етмагандай, шартномада янги техник воситалар етказиб берилиши назарда тутилган бўлишига қарамай, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, муқаддам ишлатилган ва спецификацияга мос келмайдиган «Катерпиллар-977» булдозери ҳамда шартномада кўрсатилган «ХА-405» русумли компрессор ўрнига ундан нархи анча арзон бўлган «Кайзер М260» русумли компрессор етказиб берилган.

Жиноий режага асосан, Навоий вилоятидаги «Тинчлик» 1-сонли ташқи иқтисодий фаолияти божхона маскани инспектори К.Мўминов ҳам жиноий гуруҳ таркибига жалб қилинган. К.Мўминов уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, қонунга хилоф равишда «ХА-405» русумли компрессор ўрнига «Кайзер М260» русумли компрессори олиб кирилганлиги ва бу контракт талабларига зид эканлигини билса ҳам, божхона ҳужжатларига «ХА-405» русумли компрессор олиб келингани ҳақида сохта маълумот киритиб қўяди.

Бу ўйинлар А.Чернишова ва уюшган гуруҳнинг бошқа аъзоларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ошкор бўлиб қолгач, Ш.Каракулов жиноят изларини яшириш мақсадида, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқарув раиси ўринбосари С.Эргашев, компаниянинг бошқарма бошлиғи - «Лангар» ОТАЖ Кузатув Кенгаши раиси - М.Раҳимов, «Лангар Гранит» ШК раҳбари Д.Қобилов, «Лангар» ОТҲЖ раҳбари М.Ҳамраевлар билан жиноий тил бириктиришга мажбур бўлади.

С.Эргашев, М.Ҳамраев, Ш.Каракулов ва бошқалар юзага келган низоли ҳолатларни бартараф этиш ниқоби остида «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Лангар» акциядорлик жамияти, Республика ТИФ Миллий банки ва «Роверой Лимитед» фирмаси масъул ходимлари иштирокида музокара ўтказадилар. С.Эргашев ўзининг мавқеидан фойдаланб шартномага зид равишда олиб келинган ускуналарни баҳолаш ва ҳақиқий бозор нархини аниқлаш чораларини кўрмасдан, «Роверой Лимитед» фирмасига ён босади. Шу тариқа, «Роверой Лимитед»га контракт шартларини бажармаганлиги учун молиявий жарима қўлланилишига йўл қўймайди.

Шу тарзда, С.Эргашев уюшган гуруҳ аъзолари Ш.Каракулов, М.Раҳимов ва бошқалар жиноий режасини охирига етказиш мақсадида, «Лангар» ОТАЖнинг йирик таъсисчиси Ш.Жамоловнинг қатъий норозилигига қарамасдан, «Роверой Лимитед» фирмаси томонидан контракт шартларини бузган ҳолда олиб келинган ҳамда келтирилиши кўзда тутилган ускуналарнинг нархи сунъий равишда қимматлаштирилганлиги яққол кўриниб турган бўлса-да, ҳақиқий нархи 23,3 минг АҚШ долларидан ошмайдиган «Катерпиллар-977» русумли бульдозерни 100,7 минг АҚШ долларига қабул қилиш ҳамда шартнома суммасидаги тафовут ҳисобига унга қўшимча равишда ҳар бирининг нархи 65,7 минг АҚШ долларилик 2 дона янги автокранларни 95 минг АҚШ долларидан 190 минг АҚШ долларига сотиб олишга ноқонуний розилик беради. Бу ҳақда 2001 йил 11 апрель куни «Роверой ЛТД» фирмаси раҳбари А.Чернишова ва «Лангар Гранит» ШК раҳбари Д.Қобиловлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зид бўлган А-01(99)GB-сонли контрактга 3-сонли қўшимча келишув имзоланади.

Шу билан бирга, С.Эргашев ва уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари юқоридаги келишув битимини тузиш жараёнида «Роверой ЛТД» фирмаси томонидан ноқонуний равишда шартномада назарда тутилганидан бошқа русумдаги компрессор олиб келинганлиги ҳолатини қасддан муҳокама қилишмайди. Оқибатда ҳақиқий нархи 76,1 АҚШ долларлик бу компрессор ҳам асоссиз равишда 161 минг АҚШ долларига қабул қилинган.

Шундан сўнг, уюшган гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зид бўлган мазкур ноқонуний контрактнинг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бирор бир монеликсиз рўйхатга олинишига эришганлар. Бунда уларга Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бошқарма бошлиғи С.Ҳасанов ва бўлим бошлиғи Н.Беляловлар «бажонидил» ёрдам беришган.

Шу тариқа, С.Ҳасанов ва Н.Беляловлар қайд этилган контрактда ҳақиқий баҳоси 65,7 минг АҚШ долларилик автокранларнинг нархи 95 минг АҚШ доллари, «ХА-405» русумли компрессорнинг ўрнига етказиб берилган ҳақиқий нархи 76,1 минг АҚШ долларилик «Кайзер М260» русумли компрессорнинг нархи 161 минг АҚШ доллари, ҳақиқий нархи 23,3 минг АҚШ долларилик «Катерпиллар-977» русумли бульдозернинг нархи 100,7 минг АҚШ доллари сифатида кўрсатилиб, жами ушбу техникаларнинг нархи 220,9 минг АҚШ доллари миқдорида сунъий равишда қимматлаштирилган бўлишига қарамасдан, 2001 йил 11 апрелдаги 3-сонли ноқонуний келишувни Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олиб, қонунга хилоф равишда 23903104-сонли сертификат берганлар.

Уюшган гуруҳ аъзолари кредит маблағларини талон-торож қилишга йўналтирилган жиноий режани амалга оширишни давом эттириб, гуруҳ аъзолари бўлган «Лангар» ОТАЖ раҳбари М.Ҳамраев ва «Лангар Гранит» ШК директори Д.Қобиловни Украинанинг Дрогобич шаҳрига юборишган. М.Ҳамраев ва Д.Қобиловлар у ерда уюшган гуруҳ аъзоси, «Роверой Лимитед» фирмаси раҳбари А.Чернишова билан биргаликда, қўшимча келишув талабларига зид равишда, янги автокранлар ўрнига 2 дона муқаддам ишлатилган, эски автокранлар жўнатилаётганлигини била туриб, автокранлар шартнома шартларига мувофиқ келиши ҳақидаги сохталаштирилган далолатномага имзо қўйиб, «Лангар Гранит» ШКнинг юмалоқ муҳри билан тасдиқлаганлар. Шу тариқа ўша вақтда бозордаги ҳақиқий қиймати 52,5 АҚШ долларини ташкил этган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, маънавий ва моддий эскирган КС-4574А-русумли 2 дона автокранни 95 минг АҚШ долларидан, жами 190 минг АҚШ доллари ҳисобида Ўзбекистон Республикасига олиб киришга эришганлар.

Шундан кейин, жиноий гуруҳ аъзоси - Навоий вилоятидаги «Тинчлик» 1-сонли ташқи иқтисодий фаолияти божхона маскани катта инспектори У.Равшанов уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, бу техник воситаларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирганлигига қарамай, 2001 йилнинг 11 августида божхона декларациясини тузиб, «эркин муомала» божхона режимига расмийлаштириб қўйган.

Бундан ташқари, С.Эргашев «Роверой ЛТД» фирмаси раҳбари А.Чернишова, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бўлим бошлиғи Ш.Каракулов, «Лангар Гранит» ШК директори Д.Қобилов, «Лангар» ОТАЖ раҳбари М.Ҳамраев ва бошқа уюшган гуруҳ аъзолари билан жиноий тил бириктириб, шартнома суммасининг 5 фоизи банк кафолати («Перфоманс Бонд») бўлиб, шартнома шартлари бузилган тақдирда «Роверой Лимитед» фирмасига ўтказилмаслиги лозим бўлганлигини била туриб, «Роверой ЛТД» компанияси томонидан Ўзбекистон томони олдидаги мажбуриятлари бажарилмаган бўлса-да, келтирилган зарарни қоплашга йўналтирилиши лозим бўлган 65 минг 16 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини асоссиз равишда қайд этилган чет эл фирмаси ҳисобига ўтказиб юборилишига йўл қўйган.

Шундан кейин, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Навоий филиали кредит ва инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси У.Болтаев ҳам уюшган жиноий гуруҳ таркибига жалб қилинган. У.Болтаев уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда 2001 йил октябрь ойида Навоий вилояти Хатирчи тумани Лангар қўрғонида олиб борилган мониторинг давомида 3-сонли келишувнинг талаблари қўпол равишда бузилиб, кредит маблағлари асоссиз равишда сарфланганлигига қарамасдан, кредит маблағлари мақсадли ишлатилганлиги ҳақида сохта далолатнома тузади. Уни «Лангар Гранит» ШК раҳбари Б.Абсаттаров ва бош ҳисобчиси А.Холбоевларни имзолатишга уриниши наф бермагач, уларнинг имзоларини қалбакилаштиради. Сўнг «Лангар» ОТАЖ раҳбари М.Ҳамраев билан биргаликда сохта далолатномани 2001 йил 11 октябрь куни ТИФ Миллий банки Навоий филиали бошқарувчиси С.Юсуповга тасдиқлатишга эришади.

Буларга ҳам қаноат қилмаган жиноий гуруҳ раҳбари С.Эргашев кейинчалик ўзининг жиноий ҳаракатларини яна давом эттирган. Вазифалар тақсимотига кўра, М.Ҳамраев аккредитивнинг суммасидан 10 фоизи, яъни 100 минг 25 АҚШ доллари миқдорида тўланмаган қисми мавжудлигини била туриб, «Роверой ЛТД» компанияси томонидан Ўзбекистон томони олдидаги мажбуриятлари бажарилмаганлигини билгани ҳолда, «Роверой ЛТД» фирмаси томонидан келтирилган зарарни қоплашга йўналтирилиши лозим бўлган пул маблағлари ўтказилишини тўхтатиш чораларини кўриш ўрнига, гўёки чет эл ҳамкори томонидан контракт бўйича барча талаблар бажарилганлиги, «Роверой Лимитед» фирмаси мутахассислари томонидан ускунани ўрнатиш, ишга тушириш ва ускунада ишлашни ўргатиш тамомланганлиги ва шу боис ушбу фирмага 100 минг 254 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини ўтказиш лозимлиги ҳақида 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки номига бир неча марта сохта хатларни тайёрлаб, бу хатларни уюшган гуруҳ аъзоси бўлган «Лангар Гранит» ШК раҳбари Б.Абсатторовга имзолатиб, Миллий банкка тақдим этишган. Лекин Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки банклараро ҳисоб-китоб Марказий ходимларининг ўз вақтидаги аралашуви натижасида кредит маблағларининг ушбу қисми чет эл фирмасига ўтказилмай, уларнинг талон-торож қилинишининг олди олинган.

«Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда бўлсаям чиқади» деган ҳикмат бор халқимизда. 2008 йил 29 майда Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди жиноятчиларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо белгилади.

**Евгений КОЛЕНКО,**
**Бош прокуратура АМИБ катта терговчиси**

## КОСОВО ҲУКУМАТИ КЎЧИРИЛДИ



Электрон почта орқали портлатиб юбориш таҳдиди баён қилинган хат олингандан сўнг Косово ҳукумати биносидан барча ходимлар хавфсиз жойга кўчирилди. France-Presse агентлигининг хабар беришича, номаълум шахс бинога учта бомба қўйилганини маълум қилиб, портлатувчи қурилмани ишга солмаслик эвазига бир миллион евро талаб қилган. Махсус бўлинмалар, полиция бино ичида ва ташқарисида қидирув ишларини олиб бормоқда, бино ёнидаги кўчаларда ҳар қандай қатнов тўхтатилган. Эслатиб ўтамиз, илгари ҳам бир неча марта турли жойларга бомба қўйилган деган хабарлар жўнатилган бўлса-да, уларнинг барчаси ёлғон бўлиб чиққан.

## МУШТЛАШУВДАГИ ИШТИРОКИ УЧУН



Майн бўйидаги Франкфурт (Frankfurt am Main) шаҳри полицияси раҳбарияти 6 май куни расмий равишда тасдиқлаганига кўра, Украина Ички ишлар вазири Юрий Луценко маҳаллий аэропортда содир этилган муштлашувдаги иштироки учун вақтинчалик сақлаш хонаси (КПЗ)га қамаб қўйилган, деб хабар беради proUA.

Таъкидлашларича, «қўлга олинган шахснинг ўзини тутиши бундай хатти-ҳаракатларни содир этганлигидан далолат беради», аммо шунга қарамасдан полициячилар вазирнинг маст ҳолатда бўлганлиги фактини шарҳлаб ўтирмадилар.

Сал илгарироқ Германия газеталари йўловчиларнинг баъзилари ҳаддан ташқари маст бўлганликлари боис Франкфуртдан Сеулга учувчи самолёт маълум муддатга тўхтатиб қолинганлиги хусусида ёзган эдилар. Йўловчилар орасида ғирт маст шахслар борлигини пайқаган ҳаво кемаси командири самолётнинг ҳавога кўтарилмаслигини эълон қилди. Йўловчилардан бири бундан қаттиқ хафа бўлиб, ўзининг Украина Ички ишлар вазири эканлигини айтиб, қўл телефонини учувчилар кабинаси томон отган. Командир ҳар эҳтимолга қарши полициячиларни чақирган. Улар ичиб олган йўловчиларни қўлга олишган. Қўлга олиш чоғида вазирнинг ўғли, 19 ёшли Александр қаттиқ қаршилик кўрсатган. Шу боис полициячилар унинг қўлларига кишан уришга мажбур бўлишган. Украина Ички ишлар вазирлигида «Босс» ва унинг ўғлининг мастлик ҳолатидаги қилмишлари албатта, инкор этилмоқда, бироқ Луценконинг германиялик ҳамкасблари «вазир ўзига ярашмаган қилиқларни содир этди», деган сўзларида қаттиқ туришибди.

Эслатиб ўтайлик, илгари Киев шаҳри мэри Леонид Черновецкий ҳам Юрий Луценкони спиртли ичимликларга муккасидан кетганликда айблаган эди.

## ЎЗБОШИМЧА РЕКТОР



Сеченов номидаги Тиббиёт академиясида ўтказилган текширув натижаларига кўра Россия Федерацияси Бош прокуратураси Тиббиёт ва ижтимоий ривожланиш вазирлигига академия ректори Михаил Палцевни лавозимидан озод этиш ҳақидаги талабномани жўнатди. Бош прокуратуранинг расмий вакили Марина Гридневанинг «Интерфакс»га берган ахборотига кўра, текширув жараёнида академияга «Саломатлик» дастурига асосан берилган тиббий ускуналарнинг самарасиз ва нотўғри ишлатилиши натижасида 22 млн. рубллик ортиқча сарф харажатлар келиб чиққан. Бош прокуратура вакилининг айтишича, аниқланган қонунбузарликлар бўйича «мансабга совуққонлик» ва «ўзбошимчалик» моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган.

Сеченов номидаги Москва тиббиёт академиясининг бошқарувида жами 3000 кишига мўлжалланган 17 та турли йўналишдаги клиникалар, 12 та лаборатория ва нурли ташхис бўлими мавжуд.

***Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!***

Бош прокуратура жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

**Кучкор ЮСУПОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ЎЗБЕКИСТОН - ЯПОНИЯ:

## *ҲАМКОРЛИК РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ*

2008 йил 15 августда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ҳамда Япония ўртасидаги «Инвестицияларни ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ва либераллаштириш тўғрисида»ги Шартномани ратификация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XVIII ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги инвестицияларни ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ва либераллаштириш ҳақидаги Шартномани ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни маъқулланди.

Маълумки, 2008 йил июль ойида давлатимиз раҳбари Оқсарой қароргоҳида Япония иқтисодиёт вазири Фукуширо Нукагуни қабул қилди. Ташриф давомида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, Ўзбекистонда Япония компанияларининг қурилиш лойиҳаларидаги иштирокини фаоллаштириш ва саноат бирлашмаларини техник жиҳатдан модернизациялаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилиб, ташрифнинг мантиқий давоми сифатида «Инвестицияларни ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ва либераллаштириш тўғрисида»ги иккитомонлама давлатлараро шартнома имзоланган эди.

Мазкур шартнома инвестицияларни жалб қилиш учун тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида имзоланди. Ушбу шартномага кўра, бир давлат инвесторлари учун иккинчи давлат ҳудудида ва унинг сарҳадларидан ташқарида инвестициялар билан боғлиқ пул маблағларини кечиктирмасдан, эркин конвертацияланадиган валютада, пул ўтказилаётган санадаги бозор қиймати бўйича эркин ўтказилишини таъминлаш кафолатланади. Шунингдек, шартнома инвесторлар учун ишончли инвестициявий муҳит яратишга хизмат қилади ҳамда томонларга инвестициялар ва инвесторларнинг тўлиқ ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини юклайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу каби шартномани Япония давлати Марказий Осиё давлатлари ичида фақаттина Ўзбекистон билан имзолаган бўлиб, ўзининг яғоналиги билан ажралиб туради.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик иккитомонлама муносабатларда алоҳида ўрин эгаллайди. Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан кейинги давр мобайнида Ўзбекистон иқтисодига Япония томонидан 2 миллиард АҚШ доллари атрофида маблағ жалб этилди. Жумладан, Япония ҳукумати «Ривожланиш йўлида расмий ёрдам» режаси доирасида 910 млн, Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBC) томонидан Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика ҳамда тўқимачилик саноатининг ривожлантирилишига 820 млн. АҚШ доллари сафарбар этилди. 2008 йил натижаларига кўра, икки томонлама савдо-сотиқнинг ўсиши 110 фоизни, яъни 170 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хусусан, товарларнинг экспорт ҳажми 24,4 млн. ва импорти эса 146,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

1991 йил 28 декабрда Япония давлати томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тан олиниши ва 1992 йил 26 январда дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши давридан бошлаб икки томонлама муносабатлар жадаллик билан ривожланиб келмоқда. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга биринчи давлат ташрифидан кейин янада фаоллашди.

Мазкур даврдан бошлаб, ҳар иккала томоннинг ҳар хил даражадаги делегациялар алмашинуви расмий ташрифлар, учрашувлар, кўргазмалар, семинарлар ва форумлар ўтказилиши билан давом этиб келмоқда. 1992 йилда Япония ҳукумати вакиллари ва расмий давралардан ташкил топган Т.Асо ҳамда Н.Накаяма бошчилигида биринчи япон делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф натижасида давлатлараро ва ташкилотлараро ҳамкорлик хусусиятига эга бўлган, шунингдек, йирик компаниялар, корпорациялар ҳамда банклараро кўплаб ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистонда Япония билан ҳамкорликда машинасозлик, енгил саноат, ички ва ташқи савдо-сотиқ, транспорт, хизмат кўрсатиш каби бир қатор соҳалар бўйича инвестицион лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Савдо-иқтисодий муносабатларининг ривожланишида 1994 йилда ташкил этилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ҳамда Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг ўрни беқиёсдир. Қўмиталар ҳар йили ўзаро муносабатларнинг муҳим йўналишларини белгилаб олиш мақсадида қўшма мажлислар ўтказади ҳамда қилинган ишларнинг натижалари ва келгусидаги режалар кўриб чиқилади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Япония-Ўзбекистон қўмитасининг аъзолари машҳур сиёсатчилар, Япониядаги йирик корпорациялар, банклар, молиявий идоралар раҳбарлари ҳисобланади.

1999-2000 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишда кўмаклашиш, атроф-муҳитни ҳимоялаш, транспорт ва алоқа инфраструктураларини ривожлантириш, соғлиқни сақлашга доир масалаларга кўмаклашиш борасида халқаро ҳамкорлик бўйича япон агентлиги ваколатхонаси (JICA) ҳамда «Мицуи», «Мицубиси», «Сумимото», «Нише Иваи», «Иточу», «Тойота Цусе» каби 20 дан ортиқ йирик ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Ушбу ташкилотлар икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатишда муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

Шак-шубҳасиз, Япония Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан асосий стратегик шерикларидан бири ҳисобланади. Япониянинг Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи зонага айлантириш ғоясини қўллаб-қувватлаши, терроризм, диний экстремизм, наркотраффик ҳамда бошқа турдаги трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги қўшган ҳиссаси аҳамиятга моликдир. Келажакда Япония ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида 1997 йилда минтақа давлатлари билан сиёсий мулоқотни жадаллаштириш, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган «Ипак Йўли Дипломатияси» деб номланган муносабатларнинг янги стратегиясини ишлаб чиқди.

2002 йил июль ойидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга иккинчи расмий ташрифи билан иккитомонлама ҳамкорликдаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Мазкур ташриф давомида давлатимиз раҳбари ҳамда Япония Бош вазири томонидан «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги декларация ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ҳамда Япониянинг иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларга кўмаклашиш тўғрисидаги қўшма баённома» имзоланди.

2006 йил август ойида Ўзбекистонга Япония Бош вазири Дзюнъитиро Коидзумининг расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги навбатдаги далил қадам бўлди. Мазкур ташриф бошқа ташрифлардан фарқли ўлароқ, Япония ҳукумати бошлиғининг нафақат Ўзбекистонга, балки Марказий Осиёга бўлган биринчи ташрифи эди.

Шу муносабат билан айтиш мумкинки, Япония Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасида геосиёсий нуқтаи назаридан муҳим ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз билан сиёсий мулоқотни фаоллаштиришдан манфаатдор. Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий муносабатларининг яхшиланиши борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 2004 йилда Япония ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида «Марказий Осиё - Япония» мулоқотини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу лойиҳа: сиёсий мулоқот, давлатлараро ҳамкорлик, савдо ҳамда инвестицион алоқаларни жадаллаштириш, маданий ҳамда маърифий алоқаларни ўз ичига олган бешта жабҳадан ташкил топган.

Бундан ташқари, Япония ҳукумати Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликнинг асосий мезони сифатида Афғонистонни тиклаш ва унинг интеграция жараёнларига қўшилишида минтақа давлатларининг биргаликдаги ҳаракатларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шунингдек, энергия заҳиралари соҳаси ҳам Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасидаги иккитомонлама ҳамкорликнинг муҳим омили ҳисобланади. 2006 йил апрель ойидаги Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Акира Амари ташрифи давомида нефть, газ ва минерал ресурслар соҳасини ривожлантириш борасидаги алоқаларнинг муҳим йўналишлари белгилаб олинди. «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси ҳамда Япониянинг нефть, газ, металлар бўйича миллий корпорацияси ва Геология ҳамда минерал ресурслар бўйича давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Бундан ташқари, 2006 йил март ойида Токио шаҳрида бўлиб ўтган давра суҳбатининг асосий мавзуларидан бири Марказий Осиё минтақаси энергия заҳираларидан фойдаланиш ҳамда экспорт қилиш масалаларига бағишланди.

Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар транспорт-алоқа соҳасида ҳам ривожланмоқда. Япония ҳукумати 2004 йил Ўзбекистонга Тошғузор-Қумқўрғон янги темир йўлининг қурилишига кредит шаклида 150 миллион АҚШ доллари ажратди. Шунингдек, 2007 йил 19 ноябрда Япония ҳукумати томонидан «Марказий Осиё трансминтақавий транспорт кўприги: ривожланишнинг имконияти ва истиқболлари» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Албатта, икки давлат келгусида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича етарли даражада салоҳиятга эгадир. 2007 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек-япон бизнес-форуми ҳамда 2009 йил март ойида Токиода бўлиб ўтган япон-ўзбек савдо-инвестициявий семинарлари мазкур соҳалардаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланди. Ушбу тадбирлар давомида Ўзбекистонда япон технологияларини жалб қилган ҳолда банк-молия сектори, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда келгусида энергетика, транспорт, туризм соҳаларини янада кенгайтиришга алоҳида урғу берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Япония давлати билан ўзаро муносабатларнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бинобарин, «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги инвестицияларни ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ва либераллаштириш ҳақидаги Шартномани ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янада кенгайишида ҳуқуқий асос бўлибгина қолмай, япон инвесторларининг давлатимизга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

**Адҳам ХУДОЙҚУЛОВ**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

